

Дажжол ер юзида қанча туради?!



17:10 / 17.02.2019 7598

У ер юзида қирқ кун туради. Аммо бу қирқ кун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлаганларидек, бизнинг қирқ кунимиз каби эмас.

«...Биз сўрадик: «Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам! У ер юзида қанча туради?».

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қирқ кун. Бир куни бир йилдек, яна бир куни бир ойдек, яна бир куни бир ҳафтадек. Қолган кунлари, сизларнинг кунингизга ўхшаш».

«Эй Расулуллоҳ! Мана шу бир йилга тенг келадиган кунда, бир кеча-кундуздаги (беш маҳал) намоз бизга кифоя қиладими?»

«Йўқ. Ўзингиз белгилаб (ўқийверинглар)».

«Эй Расулуллоҳ! Ерда у қай тезликда ҳаракат қилади».

«Ортидан шамол эсган ёмғирли булут каби. У бир қавмга келиб, даъват қилади. Улар унга иймон келтириб, даъватини қабул қиладилар... » (Муслим ривояти).

Дажжол Байтул Мақдисда, Исо алайҳиссаломнинг қўлида ҳалок бўлади.

Ҳадиси шарифда шундай келган: «...Сўнгра Исо алайҳиссалом тушиб, саҳар вақтида (одамлар олдига) боради. Улар айтадилар: «Бир киши (келяпти)". Бориб қарасалар. Исо алайҳиссалом бўлади. Намозга такбир айтилгач, «(Имомлик қилиш учун) олдинга ўтинг, эй (Аллоҳнинг) Руҳи», дейишади. У айтади: «Имомингиз марҳамат қилиб (олдинга ўтсин) ва сизларга намоз ўқиб берсин». Бомдод намози ўқиб бўлингач, ҳаммалари Дажжолнинг олдига чиқадилар. Лаънати каззоб Исо алайҳиссаломни кўрган заҳоти, туз сувда эриганидек, эриб кетади. Сўнгра Исо алайҳиссалом Дажжолни ўлдиради. Ҳаттоки дарахт ва тошлар (тилга кириб) нидо қилади: «Эй Рухуллоҳ! Мана бу (орқамга беркинган) яҳудий (Дажжолнинг тобеъларидан)». Исо алайҳиссалом улардан биронтасини қолдирмасдан, ҳаммасини ҳалок қилади.

«Дажжол ҳақида нима биласиз?» китобидан